

Соғлик ва фароғат



08:44 / 03.01.2019 3630

Ислонда сиҳат-саломатлик, тани соғлик Аллоҳ таолонинг бандаларига берган энг улкан неъматларидан бири ҳисобланади.

Имом Бухорий Абдуллоҳ ибн Аббос розияллоҳу анҳудан ривоят қилган ҳадиси шарифда Пайғамбаримиз соллаллоҳу алайҳи васаллам:

«Икки неъмат борки, кўп одамлар уларда алданиб қолурлар. Улар соғлик ва фароғат», деганлар.

Кўриниб турибдики, Пайғамбаримиз соллаллоҳу алайҳи васаллам соғлиқнинг бандага берилган неъмат эканини очиқ-ойдин қилиб айтмоқдалар.

Имом Бухорий, Имом Термизий ва Имом Ибн Можалар Абдуллоҳ ибн Меҳсон Ансорий розияллоҳу анҳудан ривоят қилган ҳадиси шарифда

Пайғамбаримиз соллаллоху алайҳи васаллам қуйидагиларни айтадилар:

«Кимнинг жасади офиятда бўлса, ўз гуруҳида тинч-омон бўлса ва ҳузурида егани ризқи бўлса, гўёки дунёни қўлига киритибди».

Инсон учун дунёни қўлга киритиш йўлида зарур бўладиган шартлардан энг аввалгиси саломатлик деб эълон қилинишининг ўзи Исломда кишиларнинг саломатлигига қанчалик эътибор берилишини кўрсатиб турибди. Чунки ушбу ҳадиси шарифда зикр қилинган тинч-омонлик ва егулик-ичгулик неъматлари бўлса ҳам, соғлиқ неъматни бўлмаса, кишига татимайди. Баъзи вақтларда инсон бутун бойлигини сарфлаб бўлса ҳам тани сиҳатликни топа олмайди.

Имом Термизий Абу Ҳурайра розияллоху анҳудан ривоят қилган ҳадиси шарифда Пайғамбаримиз соллаллоху алайҳи васаллам:

«Қиёмат куни бандадан энг аввал сўраладиган неъмат унга «Сенинг жисмингни соғлом қилган эмасмидик? Сени совуқ сув ила сероб қилган эмасмидик?» дейилишидир», деганлар.

Соғлиқ неъматни Аллоҳ таоло Ўз бандасига берган неъматлар ичида энг аҳамиятлиларидан бири бўлгани учун ҳам охиратда биринчи бўлиб у ҳақда сўралади. Шундай экан, банда бу нарсанинг қадрига етиши керак. Бундай неъматни берган Зотга шукр қилмоқ лозим. Неъматнинг шукри эса уни берувчи Зотга мақтов сўзлари айтиш ва неъматни неъмат берувчини рози қиладиган йўлда сарфлаш билан бўлади.

Соғлиқ-саломатлик неъматни муҳим бўлгани учун ҳам Пайғамбаримиз соллаллоху алайҳи васаллам сиз билан биз уматларига ўша улўф неъматни доимо Аллоҳ таолонинг Ўзидан сўраб туришни амр этганлар. Имом Аҳмад Абу Бакр Сиддиқ розияллоху анҳудан ривоят қилган ҳадиси шарифда қуйидагилар айтилади:

«Аллоҳдан яқийнни ва мустаҳкам соғлиқни сўранглар. Ҳеч бир кимсага яқийндан кейин офиятчалик яхши нарса берилмаган».

Яқийн – мустаҳкам иймондир. Демак, бандага Аллоҳ томонидан берилган неъматлар ичида энг биринчи ўринда мустаҳкам иймон турса, ундан кейинги, иккинчи ўринда соғлиқ турар экан.

Имом Насоий Абу Бакр розияллоху анҳудан ривоят қилган ҳадисда Пайғамбаримиз соллаллоху алайҳи васаллам:

«Аллоҳдан афви, офиятни ва мустаҳкам соғлиқни сўранглар. Ҳеч бир кимсага яқийндан кейин мустаҳкам соғлиқчалик яхши нарса берилмагандир», деганлар.

Аллоҳ таоло барчаларимизга ана ўша неъматларини ато қилсин. Омин!

Ислом соғлиқнинг Аллоҳ таоло томонидан бандага берилган улуғ неъмат эканини, унинг учун банда шукр қилиши лозимлигини таъкидлаш билангина кифояланиб қолмайди. Ислом соғлиқни сақлашнинг йўлларини ҳам ўргатади.

“Соғлом бола” китобидан